



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Ембергенев Азимжон Кадирберген ули

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152150>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 30th March 2025

KEYWORDS

*Илгари судланган шахслар,
профилактика иши, психологик
ёндашув, ижтимоий интеграция,
такомиллаштириш.*

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторларнинг илгари судланган шахслар билан ишлашдаги самарадорлигини ошириш йўллари, бугунги кундаги асосий муаммолар ва ечимлар таҳлил қилинади. профилактика инспекторларнинг касбий маҳорати, психологик методика ва ижтимоий интеграцияни рағбатлантириш усуллари кўриб чиқилади. Тадқиқот натижалари профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун амалий таклифлар билан тугатилади.

Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати, жумладан рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш глобал аҳамият касб этиб, айниқса рецидив жиноятчилик миқдорини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё ҳамжамияти постпенитенциар қонун ҳужжатларини ислоҳ этишнинг замонавий халқаро стандартлари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишга интилмоқда. Жаҳонда превентив назорат тизимини такомиллаштириш, жумладан назорат остидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга нисбатан белгиланган чекловларни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, постпенитенциар тизимда ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, илгари судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишини олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатишнинг тартиби ва асосларини белгиловчи халқаро стандартлар ва минимал қоидаларни миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган илмий-амалий ва фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят-ижроия ва постпенитенциар тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу борадаги миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳозиргикундаги Республикада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилгандан кейин эмас балки, уни содир этилишини олдини олиш кераклиги юзасидан кенг кўламли ишлара малга оширилмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти”¹

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган шахсларга йўналтирилиб, бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасидан қуйидаги алоҳида хусусиятлари билан фарқланади:

-ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларга мойил шахсларга йўналтирилиши;

-индивидуал ёндашувни талаб этиши;

-мажбурлов ва чеклов нормаларини қўлланилиши;

-ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси йўналтирилаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирлар қўлланилишини талаб этиши;

-бошқа давлат органлари ва кенг жамоатчилик имкониятларидан фойдаланишни талаб этиши.

Профилактика инспекторларининг маъмурий назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолиятинини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг

2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”²ги,

2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”³ги қонунлари, шунингдек бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширади. 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги қонунда маъмурий назоратнинг тушунчаси, асосий вазифалари ва принциплари, уни ўрнатиш тартиби, назорат остидагиларнинг, шунингдек ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари изчил баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”⁴ги қонунинг 25-моддасида Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган бўлиб, унга кўра, Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 314. (592 б.).

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуни

³ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонун

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуни

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, қонунинг 29-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари келтирилган, унга кўра Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

профилактика суҳбати;

расмий огоҳлантириш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

профилактик ҳисобга олиш;

мажбурий даволанишга юбориш;

маъмурий назорат.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Профилактик ҳисобга олиш ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

Профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчиликда белгиланади.

Шунингдек, қонунинг 41-моддасида Ички ишлар органларининг маъмурий назорати белгиланган бўлиб, унга кўра,

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонунчиликда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ-532-сонли «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида» Қонунига асосан қуйидаги шахсларга нисбатан, яъни;

суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган;

- оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

- ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаганларга ўрнатилади.

Хусусан қонуннинг 5 моддасида маъмурий назорат тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: Маъмурий назорат—назорат остидаги шахсларга суд томонидан белгиланадиган маъмурий чекловларни қўллашдан иборат тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи. Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси эса, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий назоратнинг асосий мақсади – муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва уларда ижобий дунёқарашни шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари Маъмурий назорат бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб: биринчидан, қонунда кўрсатилган қатъий маълум бир тоифадаги шахсларга нисбатан ўрнатилади; иккинчидан, маълум бир тоифадаги шахсларнинг эркинлигини муайян муддатга чеклайди; учинчидан, маъмурий назорат қатъий белгиланган процессуал нормалар асосида ўрнатилади. Бу тушунчани таҳлил қилишда ўз навбатида назорат остидаги шахслар кимлар бўлиши мумкин деган саволга жавоб бериш керак бўлади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, маъмурий назорат ҳар қандай шахсга ўрнатилмайди. Қонуннинг 6 моддасида ўзларига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиладиган шахслар тоифаси аниқ белгилаб ўтилган. Унга кўра қуйидаги вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади: суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган; оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган.

Илгари судланган шахслар билан ишлашда профилактика инспекторларининг самарадорлигини ошириш – бу жамиятнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликнинг қайталанмаслигини таъминлашдаги асосий омилдир. Ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, профилактика фаолиятининг амалий самарадорлигини ошириш учун тизимли ва комплекс ёндашув талаб этилади.

Биринчи навбатда, инспекторларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Бунинг учун:

Инспекторларнинг малакасини ошириш бўйича мустақил ва амалий йўналишдаги таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

Психологик билимларни чуқурроқ ўзлаштириш учун махсус тренингларни ташкил этиш;

Халқаро тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий амалиётга мослаштириш лозим.

Иккинчидан, ижтимоий интеграция жараёнининг самарадорлигини ошириш учун:

Илгари судланган шахсларни ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг инновацион усулларини қўллаш;

Меҳнат ва касб таълими соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш;

Жамиятдаги кўриниш ва фикрларни ўзгартириш бўйича ахборот кампанияларини олиб бориш муҳимдир.

Яқунан, ушбу тадқиқот натижалари асосида таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллаштиришини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тўғрилиқ ва хавфсизликни мустақамлашга хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси. 2024.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
8. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б. 314. (592 б.).
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” ги қонун
10. Қадамович Б. Ҳ., Рахимов Т. М. Ў. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 71-78.

INNOVATIVE
ACADEMY